



МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ҲИКОЯЛАРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ (ХОЛИЁР САФАРОВ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА)

Рухсора Тулабаева Сайфуллаевна¹,

¹PhD, доцент, Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: binafsha-84@mail.ru

Аннотация

Мақолада мустақиллик даврида ёзилган ҳикояларни таҳлил қилиш назарда тутилган. Хусусан, истиқлол даври ёш носирларидан хисобланмиш Холиёр Сафаровнинг ҳикоялари таҳлилга асос қилиб олинди. Уларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллат кишисига хос харкатер ва белгилар, инсоний муносабатлар қадрият сифатида баҳоланди.

Калит сўзлар

Ҳикоячилик, қадрият, миллий урф-одат, удумлар, инсон, табиат, руҳият, ифода, тасвир.

Ҳикоялар ўзбек адабиётида кенг ривожланган, тез оммалашадиган жанр сифатида мавжуд бўлиб келмоқда. Ҳикоячиликнинг замонавий ўзбек адабиётида пайдо бўлиши ва ривожланишига назар ташласак, унинг қўплаб бебаҳо намуналари гувоҳ бўламиз. Улар сафидан инсон ва табиат, ижтимоий-маданий, реал ёки фантастик ғоялардан тортиб инсон руҳияти манзаралари акс эттирилган мураккаб ҳикоялар ҳам ўрин олган. Буюк ўзбек адиллари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар авлоди яратган ҳикоялар кейинчлик Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Гафур Гулом каби адиллар томонидан янгича ғоя ва мазмунга эга ҳикоялар учун замин ҳозирлади. Ҳикоячилик анъанаси мустақиллик давридан бошлаб ўзининг мислсиз имкониятларини ишга солиб тараққий топди, десак, янгишмаймиз. Истиқлол даври ҳикоячилигига Сайд Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзайев, Эркин Аъзам, Назар Ешонқул, Абдуқаюм Йўлдош, Хуршид Дўстмуҳаммад сингари йирик ёзувчилар ўзларининг бекиёс ҳиссасини қўшишди. “Мустақиллик йиллари ўзбек насрода ҳикоя жанри алоҳида ўрин тутади. Истеъдодли ёзувчилар ёзган ҳикоялар шакл ва мазмундаги, поэтик курилишидаги оригиналлиги билан ғоявий-эмоционал қиймати касб етади. Аслида бу кичик жанрнинг поэтик имкониятлари ниҳоятда катта. Ҳикоя – инсон тафаккурига бир



зумда бир зарб билан мухрланадиган, бадиияттан бенихоя гўзал ва жуда бежирим шакилй қурилишга эга адабий ҳодисадир” (1. Баҳодир Карим. Истиқлол адабиёти: Назм ва наср. “Фирдавс-шоҳ нашриёти”. Тошкент – 2021. 70-бет.).

Мустақиллик даври бадиий ижод учун кенг имкониятлар яратар экан, унда ҳикоячилик ҳам ўзининг янги қирраларини намоён этиб, мавзу кўлами, тасвир обьекти, умуман, шакл ва мазмун янгиланишига эришди. Мустақилликнинг 2010-йиллар оралиқ даврини кузатар эканмиз, унда забардаст адибларимиз билан бир қаторда ёш носирларнинг ҳам самарали қалам тебратагётгани аён бўлади. Бевосита 2010-йиллар деб қараганимиз давр оралиғида Нурилла Чориев, Холиёр Сафаров, Санжар Турсунов, Биби Робиа Сайдова, Жавлон Жовлиев каби ёш ижодкорларнинг ҳикоялари пайдо бўлдики, уларда мутлақ янги замон, янги давр руҳи акс этди.

Холиёр Сафаров ҳикоялари ҳақида Ўткир Ҳошимов шундай дейди: “... ҳақиқий бадиий асарнинг бош вазифаси – Инсонни кашф етиш. Унинг мураккаб олами, фазилат ва қувончларини тасвирлаш ҳамда шу орқали ўз халқининг бетакор қиёфасини яратишdir...

Ёшлар орасида айнан шу йўлдан бориб, замондошларимизнинг ўзига хос оламини тасвирлаётган қаламкашлар борлиги кишини қувонтиради. Шулардан бири – Холиёр Сафаров. Адид ҳикояларида бугунги инсонлар, айниқса, қишлоқ одамларининг содда ва донишманд ўйлари, бағрикенглиги, заҳматкашлиги ишонарли тасвирланган” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Сўзбоши. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010/2-бет.).

Холиёр Сафаров ҳикояларида манаман деб юзага чиқиб турувчи хусусиятлардан бири бу – миллий қадриятлар. Адиднинг қаҳрамонларидан тортиб, тасвирга олинган жой, одамлар, маҳалла-кўй, ёшлар-у кексалар, ҳатто, табиат маназаралари ҳам миллат кишисли эканини айтиб туради.

“Ҳайдар бобо” ҳикоясида қаҳрамонлар қишлоқ одамлари бўлиб, уларнинг гап-сўzlари, хатти-харакати айни қишлоқ ҳаётини кўзгу мисол ифода етади. Асар тўлалигича миллий руҳ ва кайфиятда ёзилган. Ҳайдар боб бир амаллаб Тошкентга ўқишига юборган катта ўғли ўқиши тугатолмай қайтиб келгани, боз устига анча бетайингина шаҳар қизига ўралашиб, номусга қолдиргани кекса она-онани изтиробга солади. Ҳайдар бобо ва кампири бу номусни кўчада қолдирмаслик учун ўғлига юкли бўлган келинни олиб беришади. Ор ва номус экан, кампир тарбиясиз келиннинг қилиқларидан езилса-да, буни қўни-қўшни билмасин, дея катта ҳовлининг ҳамма юмушини бир ўзи бажаради. Шуниси аҳамиятлики, Ҳайдар бобо ҳам кампир ҳам “бўлмайдиган” келинни аллақачон ҳайдаб юборишлари мумкин



эди. Аммо, яна ўша ор-нонус, гап-сўз, айниқса, ўз набирасини кўчада эгасиз қолдиришни ўзларига эп қўрмас эдилар. Гарчи Ҳайдар бобо-ю кампири сиртдан қараганда ниҳоятда камсуқум, ўқимаган, содда қишлоқ кишилари бўлса ҳам улар аслида чинакам инсон – баланд одамлар эди. Ҳар қандай қудратли одам ҳам номус учун ўз зиммасига бошқаларнинг юкини ортиб судрай олмайди. Ҳайдар бобо кичик жуссасига улкан масъулият юкини ортиб яшаётган катта қалбли инсон.

Ҳайдар бобонинг кампири йиқилиб ётиб қолар экан, ҳикояда фожиавий томонга оғиши бошланади. Яъни энди, миллий одатлар, ҳатти-ҳаракатлар чол билан кампирнинг ҳаётини мураккаблаштиришга, уларнинг бошига қийинчиликлар солинишига сабаб бўлиб қолади.

1. Ҳайдар бобо “бўлмайдиган” келинини кўчага ҳайдамасдан, алоҳида уй-жой қилиб кўчиради. Натижада кекса чол-кампир ҳовлидаги қийин юмушларни (уй-рўзғор ишлари, сигир соғиши, молга қарашиб, ер меҳнати) ҳам ўзлари бажаришга мажбур бўлади.

2. Қизларини ҳам “жойи чиққач” узатиб юборар экан, уларга рўзғор ишларида қўмак берувчи қўл қолмайди.

Лекин ҳикояда шундай ўринлар бор, уларда қадриятлар муносабатлар асносида юзага чиқади. Бундай қадриятларни инсоният ҳаётининг энг муҳим қисмлари деб қарашиб лозимки, шундай қадриятлар борлиги учун ҳам ҳаётнинг турфа синовлари, қийинчиликларини енгиб ўтиш осонлашади.

Ҳайдар бобонинг кенжаси ўғли ота-она кутган орзуласи рўёби сифатида гавдалантирилади. У ўқиши тамомлаб, магистратурага киргани, яхши бир иш топгани, ўзлари истаган қизни келин қилиб туширишгани – буларнинг ҳаммаси бобо ва энанинг орзуласи рўёби албатта. Фақат Ҳайдар бобонинг мардлиги, кампирнинг тантилиги боис, улар шу мўъжаз қишлоқда эмас, катта шаҳарда яшашлари, олим бўлиши учун, “қишлоқда номи чиқмай қолиб кетмасин” деб уларни жўнатиб юборадилар. Кампир йиқилиб оёғи сингач, бир жойда ётиб қолади. Аммо шу ҳолида ҳам ўғлининг мақсадидан чекинмаслигини тилайди. Гарчи кенжаси ўғил ота-онанинг ёнида қолишга ҳарчанд интилса-да, уларнинг райини қайтаролмайди.

Асрда шундай қадриятлар ифодасини топганки, уларни нафақат миллий рух, балки умуминсоний ҳодисалар сифатида баҳолаш арзирли ҳодиса. Ҳикоянинг ҳам маҳзун, ҳам кишида фахр туйғусини уйғотадиган шундай ўринларини келтириб, уларни қадриятлар деб баҳолаш, бизнингча, асосли:

1. Ота-оналиқ – қадрият сифатида. Ота-она ўз ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, фарзандлар бахти, камолоти учун яшагани. Оғир ахволда қолса-да, болаларнинг кўмагига муҳтож ҳолида ҳам уларни ўз йўлларида давом этишларини таъкидлайдилар. Бундай ҳодисани улкан инсоний қадрият сифатида эътироф этиш ўринли.

2. Фарзандларнинг ота-онага мөх-муҳаббати – қадрият сифатида. Бунда қиз фарзандлари ва кенжা ўғилнинг ота-онага ғамхўрлиги (кatta ўғил бундан мустасно). Айниқса, кенжা ўғилнинг онаси дард чекар экан, қаттиқ изтиробга тушиши руҳий ҳолатини ёзувчи маҳорат билан тасвирлаган.

“– Йўқ, – афсус билан бош чайқади ота. – Фойдаси йўқ, қаричилик.

–Олтмиш бир ёш қаричиликми? – кенжанинг кўзларига яна дув-дув ёш куйилди. – Саксон, тўқсонлар қаерда қолди? Йўқ. ота, енамни Тошкентга олиб кетаман!” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 10-бет.).

Қадрият тушунчаси фалсафада аксиология номи билан ўрганилиб, унда инсон ҳаёти учун зарур маънавий, баъзан моддий предмет ёки мавҳум тушунчаларни қамраб олади. Қадриятлар инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди, чунки инсоннинг ҳаёт тарзини, унинг ҳайвонот дунёсидан ажралиш даражасини айнан қадриятлар тавсифлайди. Шахснинг ҳаёт фаолиятида фундаментал аҳамият касб етади, одамларни жипслаштириш, уларни ҳамжамиятларга бирлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Қадриятлар инсон ва жамият ҳаётида ўз ҳолича эмас, балки вужудга келган қадриятларга муносабатлар тизими заминида муҳим ўрин эгаллайди.

–Шундай экан инсон ҳаётида ўрни юксак бўлган қадриятларнинг санъат асарларида, хусусан, бадиий адабиётда акс этиши табиий. Холиёр Сафаровнинг “Тўти момо” ҳикоясида ҳам қишлоқ одамларининг содда қиёфаси гавдаланади. Тўти момо келинининг ўғил туғишини орзу қиласди, лекин, аксига олгандай “келин жонивор” нуқул қиз туғади. Ҳатто Тўти момо аччиқланиб, янги туғилган қиз набирасига маҳаллий таомлар пишириб боришдан бош тортади. “ – Обормайман! Аталисиниям ўзи қилсин, лочирасиниям! Унга қиз туғ дебманми? Шуни деб болам бечоранинг юзи шувит. Сиз бўлсангиз, “кўп вайсама, Худо беради”, дейсиз. Бир куни телевизордан берди, қизларнинг футбол командаси бор экан. Нима, улингизам қизларини йиғиб, футбол команда тузадими?..” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 13-бет.).



Фикримизча, Тўти момо оригинал образ. Унинг оригиналлиги шундаки, ичида бирор ғаламислик, бирор кирлик бўлмагани ҳолда, қайта-қайта қиз туғаверадиган келинидан аразлайди. Айнан аразлайди, нафратланади ёки юз ўтиради эмас. Ўзича тўнғиллайди, аччиқ-аччиқ гаплар гапирган бўлади, бошқа болаларини, ҳовлидаги сигир, мушук, товуқларни ҳам қўшиб урушган бўлади, лекин буларнинг ҳаммаси ниҳоятда самимий, ниҳоятда табиий ва ҳатто кишида табассум уйғотадиган ҳолда эканини илғаш мумкин. Бу содда, соғдил қишлоқ аёли фақат бир нарсани – ўғлининг қатор-қатор қизлардан сўнг биттагина ўғил фарзанди бўлиши жуда ҳохлайди. Аксига олиб келин тушмагур ҳам доим қиз туғади. Гарчи қиз набиралари кўплигидан норозиланса-да лекин асло келини ёки қиз набираларини ёмон кўриши, ёқтираслиги ҳақида хulosса чиқариб бўлмайди. Тўти момо – образ сифатида унчалик ҳам содда қаҳрамон эмас. Чунки у ҳиссиётга берилувчан, тез жаҳли чиқиб, тез сўнадиган, тез аразлаб, тез хурсанд бўладиган, динамикаси жуда тез баланд пастликка алмашиб турадиган бир қадар мураккаб образ. Бундай образни яратиш, бундай характерни асарнинг охиригача сақлаб қолиш анча қийин. Зоро, Тўти момонинг жаҳлини чиқарган, норозилигига сабаб бўлган ҳодиса унинг нафрати ёки ёмон кўришига ҳам сабаб бўлиши мумкин эди. Ва унинг ортиқ норизолиги бир куни шундай хурсандчиликка эвриладики, гўё Тўти момо келинидан ҳечам ҳафа бўлмагандай. Момонинг келини ўғил тукқандаги хурсандчили унинг чинакам табиатини ошкор қиласди. У ростдам ҳам ўғил невараси билан қандай фахрланиши, ва ниҳоят ўғил тукқан келинининг қўлини совуқ сувга урдирмаётгани момонинг забардаст аёл эканини кўрсатади.

“... Уйга кирса, хотини он саккиз яшардек болиб, иссиқ печка олдида терлаб-пишиб хамир муштлаб турибди ...”

–А, хорма! – деди бобо қулиб.

–Бор бўнг! Ўғлим ҳақиқий ота бўлди, бир хабар олям демайсиз-а? – деди кампир хамирли қўлларини кўтариб...”. Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 18-бет.).

“Тўти момо” ҳикояси миллат унсурларини кўплаб ўзида жамлаган асар.

1. Ўзбек оиласи учун ўғил фарзанд катта аҳамиятга эга. Гарчи қиз фарзанднинг баракали, меҳрибон, оқибатли эканини билса-да негадир ўзбек оиласи барибир ўғил фарзанд туғилишини интиқ кутаверади.

2. Ёки асада қиз боланинг отасидан ийманиши ҳолати ниҳоятда гўзал акс эттирилган. Тўти момо келини яна қиз тукқанини эшитгач, ҳаммага зарда қиларкан, тонг ёришар пайти ҳовли сўрида ухлаб ётган қизига бақиради: “ – Тур-е! Индамаса



чошгоҳгача ётасан ҳамманг! Бор, сигирни соғиб кел. Кейин аканг подага қўшиб келади.

Уйғоқ бўлса-да бош томонида отаси борлиги учун туришга ийманиб ётган қиз кўрпа тортилиши билан бошини кўтарди-ю, сапчиб ўрнидан тураркан, ҳижолатда ўлар бўлди. Онасиға қараб, “Эна-а?” деди-да, қатланиб қолган кўйлаги этагини ёза-ёза ошхонага югуриб кетди”. (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 12-бет.).

3. ўзбек, айниқса қишлоқ ҳаётида чақалоқ туғилганда унинг онаси учун атала, почира деган таомлар махсус пишириб борилади. Бу удум ҳам ҳикояда миллий анъаналарнинг ифода этилишига хизмат қилган.

Инсон ва табиат, инсон ва жонзорлар мавзуси адабиётда эскирмас, мангу мавзулардан биридир. Холиёр Сафаровнинг “Жийрон”, “Орият” ҳикоялари ана шу эскирмас мавзунинг янги давоми ўлароқ дунёга келган. Адибнинг “Жийрон” ҳикояси отнинг инсон ҳаётидаги ҳамда инсоннинг тулпор ҳаётидаги ўрни муаммосига қаратилган. Ўзбек адабиётида от образи гавдалантирилган асарлар талайгина. Тогай Муроднинг “От кишинаган оқшом” асари орқали кўпчилик от образининг адабиётда ниҳоятда ёрқин ранглар билан тасвирланганини кўрган. Бир қарашда Холиёр Сафаровнинг ушбу ҳикояси ҳам от образининг ифодасидек кўринади. Лекин ўзигача яратилган бошқа ҳикоялардан фарқли равишда бу асарда от образ сифатида ички дунёси – руҳияти билан акс эттирилади.

Бизнингча, ҳикояни икки ракурсдан қараб таҳлил қилиш ўринли. Биринча томон – отнинг инсон ҳаётидаги ўрни. Бойқувват буванин Жийрон лақабли учкур оти борлиги қишлоқ аҳлига беш қўлдек аён. Ҳатто Жийронни ўз фарзандидек кўриши ҳам асарнинг айрим ўринларида намоён бўлади.

“Бойқувват бува анчадан бери оғир. Сим каравотидан турмай ётиби. Каравоти дераза ёнида. Отамнинг айтишича, бува охирги пайтда алланималар деб алжираб қолганмиш, аммо ҳар куни эрталаб ва кечқурун деразадан қараб, «Жийрон, Жийроним...» дея уйдан сал нарироқда боғлиқ турган отини чақиравмиш. От деразада эгасининг юзини қўргач пишқирап, сувлиқ чайнаб, ёлларини силкитганча қозиқ айланиб чопармиш. Сўнг деразага қараб олд оёқларини қўтариб-қўтариб кишинармиш. Шунда бува деразада, ликопчада турган парвардадан тўрт-бештасини олиб, неварасига ташқаридан келишини айтаркан ва кўл силкиб, Жийронга имларкан. «Ма, Жийрон! Бу сенга! Ҳа, ойналай...» деб неварасини от томонга юбораркан. Невараси отдан қўрқади. Парвардани от олдига отиб юбораркан-у, қочаркан. Жийрон парвардани тупроқ орасидан папалаб ер, сўнг



миннатдорчилик билдиргандек дераза томонга қараб бир кишинаб қўяр, яна қозиқ айланиб, лўкиллаб чопаркан” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 60-бет.).

Бобо ҳаётининг сўнгига қадар Жийронга ғамхўрлик қиласи, уни инсондек, энг яқин дўстидек кўради. Бир пайтлар зўр полвон ва зўр чавандоз бўлган бобонинг ютуғи-ю, шон-шавкати ана шу содик тулпори билан чамбарчас боғлиқ эди. У ўтмишининг қай бир кунини хотирламасин, барида унга йўлдош Жийрон бўлиб чиқаверади. Тўшакка михланиб, умри поёнига етай деб қолган бобо қаршисида яна ўша тулпор содик дўстдай унга кўз тикиб турарди.

Ҳикояда отнинг табиати, от боқиши, тулпорни кўпкарига тайёрлаш, қачон озуқа бериш, қачон етаклаш каби ҳаммага ҳам маълум бўлмаган сир-синоатлар бериладики, бу – муаллифнинг чавандозлик сирларини пухта ўрганганини кўрсатади.

“Боқувдан чиққан отни совутиш эмаклаган болани «той-той» қилиб оёқда юришга ўргатишдай гап. Бунга йигирма-ўттиз кун вақт кетади. Бостирмада юлдуз кўрсатмай боқилган от қирқ биринчи кун кечки салқинда ташқаридаги отқозиққа яrim соатгина боғлаб қўйилади, холос. Иккинчи куни якка қозиқда бироз айлантирилади. Учинчи кун ҳам. Кейинги икки-уч кун ҳовли атрофида устига ҳеч кимни миндирмасдан…

От совутишнинг қоидаси шундай!

— Байловдан чиққан от терламаслиги керак, терласа хом бўп қолади. Кейин кўпкарида чополмайди, — дерди Бойқувват бува. — От ҳам одамдай. Сен ҳам терлаб ишлаб, кейин яҳдай сув иссанг, баданинг қотиб қолади-ку, шундай. Булар ҳам ҳозир терласа, чарвиси тўнглаб қолади...” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 61-бет.).

От образи биринчи ракурсдан қаралганда, инсон ҳаётида тулпорнинг катта ўрин тутгани полвоннинг унга муносабати, парваришилаши, мабодо, бошқа чавандоз уни миниб чопса, қамчилаб урганда қамчи отга эмас, эгасига келиб таёётгандек бадани ачишиб кетиши сингари ҳолатларда намоён бўлади.

Иккинчи томон – одамнинг от ҳаётидаги ўрни. Бунда Жийрон учун эгасининг қандай аҳамиятга эга эканини кўриш мумкин.

Бойқувват бобо деразадан қўринмай қолган кун от – Жийроннинг ҳаёти пароканда бўлади. Биз ушбу ўринда айнан отга нисбатан “ҳаёти пароканда” сўзини ишлатар эканмиз, ҳикояда жониворнинг руҳий ҳолати тасвирланганини назарда тутдик. Эгаси вафот этаркан, от ҳам борган сари безовталаниб боради. Бобонинг



сўнгги кунларида дерезадан қараб, у невараларидан бериб юборган майдачуйдаларни еб, таскин топиб ўтирган Жийрон эгаси бутунлай кўринмай қолгач, худди инсондек саросимага тушади.

“Бечора Жийрон. От эгасининг ўлганини билгандек ҳеч жойида турмас, арқонни узгудек силтаниб, уй томонга сапчир, олд оёқларини қўтариб кишинар, тинмай қозиқ айланганича пишқириб чопгани чопган эди. Одамлар йифидан тўхтаса-да, отнинг пишқириғи тўхтамас, Полвон буванинг деразасига қараб кишинагани кишинаган эди...” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 61-бет.).

Бу орада жанозага йифилгандар отни тинчлантириш учун бобонинг эски қора тўнини олиб, отнинг устига ташлаб қўйишад. Одатда қўпкариларда бобонинг таклифи билан Жийронни миниб чопадиган Панжи полvon отга яқин келади, “У отни эгарлади ва чирги ёпгандек қора тўнни эгар устидан ташлаб қўйди. Кейин яна от ёлини силади, «Бардам бўл!» дегандек тўн ёпилган сағрисига уриб-уриб қўйди...” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 64-бет.).

Жонзотлар ҳақида ёзилган кўпгина асарларда инсон учун жониворнинг муҳимлиги, ҳаётида унинг ўрни сингари ҳолатлар ёритилган. Лекин жонзот ҳаётида инсоннинг ўрни ва аҳамияти масаласини ёритиш анча мураккаб иш. “Жийрон” ҳикоясида шундай ўринлар келадики, унда айнан тулпорнинг ички олами, руҳий дунёси, психологик ҳолати тасвиrlанганини кўрамиз. Масалан, от эгасининг жасади олиб чиқиқлаётганини сезиб туради, бироқ, у буни тан олмайди ёки тан олишни истамайди. У атрофини ўраб тутмоқчи бўлган полвонлар курсовидан қозиқни суғуриб ёриб чиқиб кетади ва бобо ётган уйнинг деразасидан бошини суқиб эгасини излайди. Каравот бўш, бобо йўқлигини билган от баттар саросимага тушади. Ер тепиниб тинимсиз кишинайди. Бу – унинг фарёди, исёни, ноласи, хуллас, бир одам яқинини йўқотгандаги руҳий ҳолатини юзага чиқаради. Отнинг майит ортилган машина ортидан ҳаллослаб қабристонгача бориши, майитни ҳидлаб кўзидан ёш оқиши, уйга қайтгач бобони излаши – бизнингча, чинакам руҳий ҳолат тасвири.

Хайвон руҳияти кўринган трагизм дастлаб исён ва тўполон шаклида намоён бўлади. Чунки юз берган фожиани тан олишни истамайди, трагизмни дастлаб қабул қилмайди. Бироқ, фожиа муқаррар эканини билгач “Бир неча бор яқин келиб, майитни ҳидлабди. Ер тепиб қайта-қайта кишинабди. Одамлар ортга қайтганда ҳам қабр атрофини айланиб чопибди. Қулоқларини зинқайтириб, чим босилган қабрни



ҳидлабди, зиёратчидек атрофни икки-уч айланибди...” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 66-бет.).

От образи ҳикояда асосий ўринда туради, бош образ сифатида атрофида бошқа образларни бирлаштиради. Бойқувват бобо, Панжи полвон, кампири ва бошқа қаҳрамонлар ҳам айнан от образининг яққолроқ намоён бўлишига хизмат қилади. Отнинг фожиавий ҳолати ташқаридан шундай тасвиранади.

“— Бечора... — деди ҳалиям уни кузатиб турган Панжи полвон. Кейин бориб, ўз жигарбандининг кўз ёшларини артиб қўйгандек чопони этагини қайтариб, ғамзада отнинг пешанасини артди. Сўнг бўйнидан қучди. Жийрон Полвоннинг биқинига бошини тиради. Чамамда улар шундай бир-бирларига ҳамдардлик билдиришди. Худди ака-уқадек, жон-жигардек...” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 65-бет.).

Ёки:

“... Жийрон қоп-қора терга ботган, айланавериб ҳолдан тойган экан. Йиғлагандек кўз ости қаншари билан жиққа ҳўл эди...” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 64-бет.).

Жонивор ўз фожиасини ўзи англаб етгач, худди инсондек, бу синовни енгиб ўтолмайди, уни кўтаролмайди, балки, ўзи ҳам ўша фожиага айланиб кетади. “Ўша оқшом Жийрон алламаҳалгача уй атрофида дупур-дупур қилиб юрибди. Узуб-узиб нолали-нолали кишинабди. Ҳасратланиб, жудоликдан куйиб ётган Заргул момо ҳам, Вали ака ҳам отнинг овозини эшитиб, баттар куйибдилар, баттар эзилибдилар ... Эрталаб туришса, от бува ётган хонанинг очиқ деразаси тагида ётганмиш. Вали ака югуриб келиб, отни туртиб-туртиб кўрибди, Жийрон қимирламабди...” (Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010. 67-бет.).

Ҳикоя гарчи инсон ва жонивор дўстлиги, инсон ва табиат уйғунлиги сингари катта мавзуларни ёритиб берган бўлса-да, у айнан жонивор руҳияти, ички кечинмаларини тасвиrlай олгани билан ҳам аҳамиятли. Отнинг руҳий ҳолатини ифодалаш учун қўлланган барча тасвир воситалари ўзини етарли даражада оқлаган. Асарда “қаҳрамон трагизми” (Сувон Мели. Бадиий трагим қирралари // Сўзу сўз. Т.: Шарқ, 2020.) якка хукмон тарзда ўз ифодасини топган. Образнинг фожиавий ҳолати бутун асар давомида сақлаб қолинади ва кўплаб далиллар билан кучайтирилади.

Умуман олганда, Холиёр Сафаров ҳикояларида мустақиллик йилларида тобора кўпроқ қаламга олинаётган мавзулар ўз ифодасини топган. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллатга хос урф ва одатлар, миллат кишиларининг



киёфаси, характеристи, турмуш-арзи – буларнинг ҳаммаси адиб асарларида ёрқин тасвирланган. Айниқса, қишлоқ одами, содда миллат бобоси ва момосининг портрети ёрқин бўёқларда чизилади. Миллат вакили сифатида ёзувчи ўз миллатининг ўзига хослигини, оригиналликини қўрсатган оригинал асарлар яратадолган деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баҳодир Карим. Истиқлол адабиёти: Назм ва наср. “Фирдавс-шоҳ нашриёти”. Тошкент – 2021.
2. Ўткир Хошимов. Сўзбоши. Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010.
3. Холиёр Сафаров. Ой ботмаган кечалар. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2010.
4. Сувон Мели. Бадиий трагим қирралари // Сўзу сўз. Т.: Шарқ, 2020.